



IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI  
IMAM BUKHARI INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

# Imom Buxoriy saboqlari

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal  
Spiritual and educational, scientific-literary journal

---

Nº 1 / 2021

20  
BIZ  
2000 – 2020  
YOSH DAMIZ!

## Уибӯ сонда:

<b>Шовосил ЗИЁДОВ.</b> Сидқий Хондайлиқийнинг хаттотлик ва муҳрканлик фаолияти.....	3
<b>Отабек МУҲАММАДИЕВ.</b> “Лубобул Калом” асарида Аллоҳга жиҳат ва маконни нисбат бериш масаласи.....	4

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

<b>Ҳакима САЛОМОВА.</b> Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий.....	7
<b>Жамолиддин ЖЎРАЕВ.</b> Алишер Навоий асарларида қўлланилган поэтик деталлар.....	9
<b>Замирахон ИСАҚОВА.</b> Ориф, ирфон ва маърифат муштараклиги.....	10
<b>Суннатилло РАҲМОНОВ.</b> Нақшбандия ва Мавлавия тариқатлари: умумийлик ва хусусийлик.....	13
<b>Машраб ХИДИРОВ.</b> Тилшуносликда Маҳмуд Замахшарий асарларининг ўрни.....	16
<b>Абдувоси ФАНИЕВ.</b> Аллома Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садруш Шариънинг ҳаёти ва илмий мероси.....	18
<b>Гўзал САЛИМОВА.</b> Абдураҳмон Самарқандийнинг «Абу Лайс ҳикматлари» асаридаги баҳс-мунозара юритиш одобининг ахлоқий жиҳатлари.....	20
<b>Малика НОРОВА.</b> Сайфиддин Боҳарзий рубоййларида ахлоқий ва маънавий фазилатларнинг акс этиши...	22
<b>Отабек БАХРИЕВ.</b> Имом Бухорий фикъ борасида таянган далиллар.....	25
<b>Гавҳар ИСТАМОВА.</b> “Насойимул муҳаббат”да Робиа Адавия сиймоси.....	27
<b>Ойбек РАШИДОВ.</b> Большевикларнинг Ўзбекистондаги таълим тизими ва мамлакатимиз зиёлиларига қарши мафкуравий кураши.....	29
<b>Баҳодиржон АЗАМОВ.</b> Куръон, ҳадис ва ҳикматлардаги масалларни бадиий услубда баён қилган мўътабар манба.....	32
<b>Зарина ҲИММАТОВА.</b> Сўфи Оллоҳёр асарларида устознинг улуғлиги ҳақида.....	34
<b>Абдувоҳид НУРИДДИНОВ.</b> Бобур ва Маҳдуми Аъзам.....	36
<b>Зафар ФАҲРИДДИНОВ.</b> Ҳаким Термизийнинг “Таҳсил назоирин Куръон” асари борасидаги замонавий тадқиқотлар.....	38

### НОДИР МАНБАЛАР

<b>Усмонхон МУҲАММАДИЕВ.</b> “Таъвилотул Куръон” қўлёзмалари ва уларнинг тадқиқ этилиши.....	41
<b>Сарвар САИДОВ.</b> Ибн Муқаффа асарларида ислоҳотчилик ғоялари.....	43
<b>Абдушукуржон МУРАТОВ.</b> Умар Насафийнинг тафсир илмига оид илмий мероси ва “Тайсир фи Тафсир” асарининг юртимиз фонdlарида сақлананаётган нусхалари.....	45
<b>Саодат ҲАМРОЕВА, Фируза ШИРИНОВА.</b> Хожагон таълимотининг манбалар ёрдамидаги таҳлили.....	46

### ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

<b>Зоҳид МАДРАҲИМОВ, Фазлиддин МАМАСИДИҚОВ.</b> Қўқон хонлигига савдо муносабатлари.....	48
<b>Маҳмуд НАСРУЛЛАЕВ.</b> Мамлакатимизда дастлабки мадрасалар вужудга келишининг шарт-шароитлари..	51
<b>Зухра АРИПОВА.</b> Мамлукларнинг Мисрдаги ҳукмронлиги: Султон Зоҳир Бейбарс даври (1260-1277).....	53
<b>Зилола САФАРОВА.</b> Тинчлик бебаҳо, хотира муқаддас.....	56
<b>Сайёра ТУРАЕВА.</b> Бухоро хонлигига тоғ-кон ишлари тарихи.....	58
<b>Ойбек ҚЛИЧЕВ.</b> Дипломатик муносабатлар тарихини ўрганиш манбаси.....	60
<b>Алишер ИСМАИЛОВ.</b> IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан юксалишининг асосий хусусиятлари.....	63
<b>Bobir IMAMOV.</b> Historical stages of diplomatic relations between Uzbekistan and Turkey (1991-2019 years.)...	65
<b>Л.Т. ХАСАНОВА, Т.Р. ЭРНАЗАРОВ.</b> Культурное наследие Узбекистана – на золотых страницах истории.....	68
<b>Хушнудбек МАМАДАЛИЕВ.</b> Қўқон хонлиги шаҳарлари (XIX-XX аср бошлари).....	69
<b>Хуршида АШУРОВА.</b> Особенности социально-политических идей джадидов Самарканда.....	71
<b>Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ.</b> Самарқанд зиёрат туризмининг ривожланишида табаррук қадамжоларнинг ўрни....	73
<b>Ўқтам БЕРДИЕВ.</b> Тарих фани предмети, тарих фанларининг туркумланиши ва тарихий билишда фанлараро алоқадорликлар.....	75
<b>Umidjon BAQOYEV.</b> Buxoro amirining Shirbudun saroyi.....	78

### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

<b>Умиджон ҚЎШАЕВ.</b> Диний тоқатлилик ва бағрикенглик: Уйғунлик ва ўзига хослик.....	80
<b>نصرالدین بن محمد بیکوف.</b> حکم الإسلام في إجارة الأرحام .....	82

<b>Маъмуржон ЭРКАЕВ.</b> Ислом ҳуқуқида ижаранинг мазмун моҳияти.....	85
<b>Санжар МУРОДОВ.</b> Футувват – гўзал ахлоқ тимсоли.....	87
<b>Марғуба ҚУРБОНОВА.</b> Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” асарида тарбия масалалари.....	88
<b>Исмаил ХАУТИЕВ.</b> Передача награды за благие дела усопшим.....	90
91.....	نورالدین بن أبي بکر صولویف. حکم العمليات الجراحية التجميلية للوجه في الإسلام
<b>Мухиддин АЛЛАНАЗАРОВ.</b> Таботабоийнинг ислом тафаккури тарихидаги ўрни.....	93

### **МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ**

<b>Актамқул САМАДОВ, Отабек МАХАММАТОВ.</b> Глобал медиаоламнинг ёшлар маънавий-мафкуравий хавфсизлигига таъсирини баҳолаш.....	95
<b>Моҳира АБДУЛЛАЕВА.</b> Интернетда терроризмнинг намоён бўлиш шакллари.....	97

### **ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ**

<b>Соҳиба ЯЗДОНОВА, Жанибек ТАНИҚУЛОВ.</b> Жамоатчилик фикрини шакллантиришда педагогик-дидактик усууларнинг роли.....	99
<b>Фотима ПРИМОВА.</b> Маданиятли инсонни тарбиялаш – муҳим маънавий-маърифий вазифа.....	100
<b>Ойбек СИРОЖОВ.</b> Глобаллашув шароитида Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик зарурияти.....	102
<b>Фарруҳ УСМОНОВ.</b> Фан этикасида олимнинг ижтимоий ва илмий масъулияти.....	104
<b>Жавлон ҚУЧҚОРОВ.</b> Тарихни диалектик маданий тушуниш миллий ғоя ва демократик ўзгаришлар диалектикасининг методологик асоси сифатида.....	105
<b>Моҳира МИРЗАЕВА.</b> Буюк Ипак йўлининг Шарқ ва Ғарб ижтимоий-маданий, диний алоқалари интеграциялашувидаги аҳамияти.....	108
<b>Фарҳоджон БОЙМАТОВ.</b> Туризмнинг миллатлараро ижтимоий коммуникация жараёнида тутган ўрни....	110
<b>Азиза ЭГАМБЕРДИЕВА.</b> Жамият тараққиётида миллий ғоя ва мафкуранинг ўзаро алоқадорликда намоён бўлиши.....	112
<b>Акбар САФАРОВ.</b> Миллий тараққиётимиз ва янгиланишларнинг концептуал асоси.....	114
<b>Жонибек БОЙСУНОВ.</b> Маънавий маданиятнинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрни.....	114
<b>Нурмуҳаммад ҚАРШИЕВ.</b> Сиёсий партияларнинг демократияга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим сиёсий институт сифатидаги аҳамияти.....	118
<b>Хонзода МАДАЛИЕВА.</b> Муқаддаслик категорияси ва унинг тарихий-ретроспектив ривожи.....	121
<b>Элёр АЛИМКУЛОВ.</b> Ўзбекистон ҳудудида илк мозий эътиқодлар билан боғлик диний-мистик рамзлар (диний эътиқодлар узвийлиги ва дуализм кўринишлари мисолида).....	123

### **ФАЛСАФИЙ МУШОҲДАЛАР**

<b>Бахтиёр ТУРАЕВ.</b> Вақтнинг онтологик моҳияти ҳақида икки мақола.....	125
<b>Комил ҲАЙДАРОВ.</b> Нақшбандийлик фалсафасининг маънавий қадриятлар такомилига таъсири.....	127
<b>Сойибназар КАРИМОВ.</b> Кубровийлик тариқатининг фалсафий асослари.....	129
<b>Ҳакимбек ЁРҚУЛОВ.</b> Абу Ҳомид Фаззолийнинг гносеологик қарапашлари.....	132
<b>Феруза БОЗАРОВА.</b> Иммануил Кант трансцендентал эстетикаси.....	134
<b>Ш.А. НАМАЗОВА.</b> Социально-философские аспекты узбекской музыкальной культуры в эпоху Третьего Ренессанса.....	137
<b>Сарвар АБДУЛЛАЕВ.</b> Инсон эркинлиги категорияси ва унинг асослари ва кафолатлари (ҳуқуқий, фалсафий ва диний қарапашлар уйғунлиги).....	138
<b>Махсуд ТОШБОБОЕВ.</b> Сунъий интеллектнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши: тадқиқий йўналишлар таснифи.....	141
<b>Умида НУРМАТОВА.</b> Мутолаа – билиш предмети сифатида.....	142
<b>Нафиса ЭГАМБЕРДИЕВА.</b> Алишер Навоийнинг эстетик меросида миллий ғоя масалаларининг фалсафий таҳлили.....	144

### **ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ**

<b>Сардорбек МИРЗАХАЛОВ.</b> Ёшларни иш билан таъминлашда тадбиркорлик фаолиятининг ўрни (Фарғона вилояти мисолида).....	147
--	-----

### **ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ**

<b>Д.И. ВАСИЕВА.</b> Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.....	149
---	-----

# ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА САВДО МУНОСАБАТЛАРИ

ЗОХИД МАДРАХИМОВ

НамДУ, Тарих кафедраси доценти, т.ф.н.,

ФАЗЛИДДИН МАМАСИДИКОВ

НамДУ талабаси

Бухоро хонлигидаги сиёсий бошбошдоқлик натижасида XVIII аср бошларида Фарғона водийсида мустақил Қўқон хонлиги ташкил топади. Қўқон хонлиги сиёсий тарихини (1709-1876) шартли равиша түрт босқичга бўлиш мумкин:

1. Хонликнинг шаклланиш даври (XVIII асрнинг 50-йилари). Бу даврда Қўқон хонлиги асосан Фарғона водийсидан иборат бўлиб, ҳукмдорлар салтанатни бирлаштириш, ички низоларга барҳам бериш, ташки душманга қарши курашиш, мамлакат мавқенини мустаҳкамлаш билан машғул бўлган.

2. Таракқиёт даврининг бошланиши (XVIII асрнинг 60-йиларидан аср охиригача). Бу асосан Норбўтабий (1763-1798) ҳукмронлик қилган давр бўлиб, хонлик ҳудуди кенгайган, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан юксала бошлаган. Мамлакат Марказий Осиёда ўз мавқеига эга бўлиб борган.

3. Таракқиёт даври (XIX асрнинг биринчи ярми). Олимхон (1798-1810), Умархон (1810-1822), Муҳаммадалихон (1822-1842) каби ҳукмдорлар даврида хонлик ҳудуди кенгайиб, шимолдан қозоқ қўллари ва у орқали Россия, фарбдан Бухоро амирлиги, чўл зоналари орқали Хива хонлиги ҳудуди, шарқдан Кашқар ерлари билан чегара дош бўлиб, жанубий ҳудудлари Помир тоғларига тулашиб кетган. Хонлик Марказий Осиёда сиёсий мавқенини мустаҳкамлаш билан бирга иқтисодий жиҳатдан ҳам анча юксалган.

4. Таназзул даври (XIX асрнинг 50-70 йиллари). Бу даврда ички низолар ва ташки урушлар авжига чиқсан. Мамлакат сиёсий ва иқтисодий таназзулга юз тутган. Тахт учун курашлар кучайиб, ҳукмдорлар тинимсиз алмашиб турган. Ҳатто Ҳудоёрхоннинг ўзи уч марта (1845-1858, 1862-1863, 1865-1875) тахта ўтириб, ички низолар оқибатида уч бора ундан кетишга мажбур бўлган. Ташки душмандан хонлик ўзини мудофаа қила олмаган. Оқибатда дастлаб 1842 йили Бухоро амирлиги Қўқон хонлигини вақтинча босиб олган бўлса, 1876 йили Россия империяси хонликка барҳам берган.

Мамлакат иқтисодий ҳаётини мана шундай сиёсий воқеликлар тизимида шаклланниб, ривожланиб борган. Марказлашган давлатнинг салоҳияти кучли бўлган йилларда иқтисодий ҳаёт тараққиёти, уни ташкил этган ҳунармандлик ва савдонинг ривожи яқъол кўзга ташланади. Шу даврларда янги бозорлар, савдо растлари, дўёнклар қурилиб, мавжудлари таъмирланган. Ўз навбатида савдо-сотиқ тартибга солинган. XVIII асрнинг иккичи ярмида сиёсий мавқенини тиклаб олган Қўқон хонлигидаги ўз пул муомаласи мавжуд бўлган ва товар-пул муносабатлари назорат остига олинган. Савдо хонлик иқтисодининг ажралмас қисми ҳисобланниб, муҳим даромад манбаи бўлган. XIX асрнинг 70 йилларида хонликда бўлган рус дипломати ва этнографи А.П.Хорошин Қўқон хонлиги аҳолисининг савдо-сотиқи муносабати ҳақида "...20-30 руб. пули бўлган сарт дарров тижорат ишларига киришади" [1: 103], деган эди.

Қўқон ҳукмдорлари Шоҳруҳбий (1709-1721), Абдураҳимбий (1721-1734) ва Абдукаримбий (1734-1750) янги давлатнинг сиёсий мавқенини мустаҳкамлаш, ички ва ташки душманларини бартараф этиш билан машғул бўлгани боис улар даврида хонликнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи унча яхши эмас эди. Бу даврда анъанавий савдо муносабатлари амала оширилган эса-да, тартибсиз ва деярли назоратсиз бўлган. Эрданабий (1750-1752, 1753-1762) давридан бошлаб иқтисодий ҳаёт яхшиланиб, аҳоли фаровонлиги ошиб борган. Тарихчи Махмуд Ҳаким Ҷайфоний (1850-1930)нинг ёзишича, Эрданаҳон даврида халқ фаровон яшаган. Хоннинг хулқатворидан одамлар миннатдор бўлган [2].

Норбўтабий (1762-1798) тахта ўтирганидан сўнг хонликнинг нисбатан кенгроқ тараққиёт даври бошланган. Қўқон хонлиги ҳудудлари кенгайиб, Ўрта Осиёда мавқеи юксала борган. Ички ва ташки савдо тараққий этган. Тарихчи Мулла Олим Махдум Ҳожи Қўқон хони Норбўтабий ҳукмронлигига қўйидагича таъриф берган: "Ул хоннинг замонида ҳеч бир тарафдан ташвиш, бетинчлик, қимматлик ва қаҳатчилик бўлмайдур. Пулни ул хоннинг замонида жорий қилишибдур, ҳамма ҳалқнинг омборхонасидағи ғаллани ҳеч ким пулга со-

тиб олмай, фуқароларга баҳшиш қилмоқдин ўзга чора тополмайдурлар. Бул тариқа арzonчилик ва кенгчилик атрофдаги вилоятларга эшитилиб, кўп ҳалқнинг Ҳўқандага келишига сабаб бўлиб, Фарғонанинг обод бўлишига боис бўлибдур" [3: 56]. Ушбу таърифиҳи Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг асарида ҳам кўриш мумкин. Унда: "...ҳамма бадавлат ва тенг, ҳар уйда омбор тўла ғалла эди ва ғаллани бекор бермоқдан бўлак чора йўқ эрди. Бир тангага бир кўй берур эди ва қаро пулни Норбўтахон чиқарди ва жорий қилди. Ҳар тарафдан мусоифирлар келиб, бу жойга жам бўлиб қолар эди", деб қайд этилган [2]. Мулла Ниёз Муҳаммад Ҳўқандий эса, Норбўтабий ҳукмронлиги даврида ички ва ташки вазият яхшилангани савдонинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатганини таъкидлаган [4: 40-45].

Олимхон (1798-1810), Умархон (1810-1822) ва Муҳаммадалихон (1822-1842) ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлиги тараққиёти янги босқичга кўтарилган. Хонлик Ўрта Осиёдаги энг йирик давлатлардан бирига айланган. Иқтисодиёт ҳам юксалиб, ички ва ташки савдо тараққиёти аҳоли фаровонлигига ўз аксини топган.

Мамлакат бозорларига шаҳар ва қишлоқ аҳолиси дәхқончилик ва ҳунармандлик маҳсулотлари, тоғли ҳудуд аҳолиси ва кўчмачи чорвадорлар чорва ва чорвачилик маҳсулотларни олиб чиқсан. Маҳаллий савдогарлар хонликнинг чекка қишлоқларига бориб, ўша ҳудудларда етиштириладиган ёки тайёрланадиган маҳсулотларни арzon баҳода улгуржи сотиб олган ва шаҳар бозорларига келтирган. Ўз навбатида ҳунармандларнинг молларини сотиб олиб, ўзлари бозорма-бозор, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ сотиб юрувчи савдогарлар ҳам фаолият юритган.

Тўкин-сочинлик ва арzonчилик ҳақида тарихчи Муҳаммад Азиз Марғилоний: "Қўқон хонлари вақтига савдо ҳақида тарихчи Марғилоний: "Қўқон хонлари вақтига савдо аҳли орасида пул оз ва нарх арzonчилик эди. Ёз фаслида бир арава ҳандалак иккича ярим тангадан 5 тангагача турган, бир арава қовун 3,5 тангагача сотилган, бир сават ўрик уч мири ва 1 танга, бир чакса (чакса – 1/3 пудга тенг оғирлиги ўлчов бирлиги. Бир пуд – 16,3 кг.га тенг.) гурунчинг баҳоси бир тангадан иккича тангагача, бир чакса тоза ун бир тангадан зиёдроқ, тоза писта эллик пайса (пайса бу – ерда тангаганинг майди пули ўрнида келтирилган)дан бир тангагача, тоза сариқ мағиз юз пайсагача, қандак ўрик, сабзи ва пиёзни бир пулдан олти пулгача ҳарид қилиниб, зўрга кўтариб кетардингиз, бир тангагача 40 чақа берур, бу чақани ҳамёнингизга солиб бозорга бориб то кечгача сарф қилишингиз мумкин ва ҳаммаси сарф бўлмасдан қайтиб ҳам келади" ва яна "...бозорларда нархлар арzonлиги учун фуқаролар подшолик ҳақларини ўз вақтида жамлаб беролмасдан кўп қийналардилар", деб ёзган эди [5: 71].

Хонликнинг йирик шаҳарларида ҳафтасига иккича марта, кичикроқ шаҳар ва катта қишлоқларда, бир-бирига яқин бўлган бир нечта кичик қишлоқ туташган жойларда эса бир марта бозор бўлган.

Қўқон шаҳри хонликнинг йирик иқтисодий маркази бўлиб, ички савдода ҳам муҳим аҳамият касб этган. 1813-1814 йилларда хонликда бўлган рус дипломати ва шарқшуноси Филипп Назаровнинг ёзишича, Қўқон марказида тошдан курилган учта бозор бўлган ва уларда ҳафтада иккича марта бозор ташкил этилган [6: 76]. 1830 йилда Қўқонда бўлган рус шарқшуноси Н.И.Потанин хонлик пойтахтида 6 бозор бўлганини айтган [7: 281]. Номаълум муаллиф маълумотига кўра, XIX асрнинг 40-йилларида Қўқонда мавжуд 6 бозорнинг 2 тасида маҳаллий, 4 тасида турли ҳудудлардан келган савдогарлар савдо қилган [8: 213].

Қўқон бозорларининг бавзилари Ўрта Осиёда мавжуд анъанага кўра, усти ёпиқ бўлиб, иссиқ ва совуқ мавсумлар учун қуай эди. Қўқон бозори Бухородагидан сўнг Ўрта Осиёдаги энг яхши бозор бўлган.

Ўрта Осиё шаҳарлари га хос тарзда Кўқоннинг асосий бозори шаҳарнинг марказида, турли кўчалар тулашган ерда жойлашган ва “Катта бозор” номи билан танилган. Рус шарқшуноси А.Л.Кун 1875 йил пойтахтга келган даврда бу бозорда 2000 атрофида дўйон бўлганини қайд этган [9: 61-62]. Асосий бозор маҳсулот турларига қараб, алоҳида савдо расталарига ёки кичик бозорларга бўлинган.

Кўқон шаҳарлари бозорларидағи дўйонлар уч турга: хукмрон супола вакиллари ва турли амалдорларга тегишли, хусусий ва вакф дўйонларига бўлинган. Архив маълумотларига қараганда, хонлик тугатилиши арафасидаги Кўқон шаҳри бозорларида 1911 савдо дўйон бўлган, уларнинг 599 таси хукмдорга қарашли, 1312 таси хусусий ҳисобланган [10].

Рус шарқшуноси Н.Пантусов маълумотларига кўра, Худоёрхон хукмронлиги даврида пойтахтдаги карвонсарой, дўйон, ҳаммом ва бошқа ижтимоий иншоотларнинг аксар қисмидан солиқ олиномаган. Чунки, уларнинг асосий қисми хонга қарашли бўлган ёки вакф мулклари ҳисобланган [11]. Хусусан, шу даврда шаҳардаги 10 карвонсаройнинг 5 таси хонга тегишли бўлган [12: 201]. Дўйонлар савдогарларга ижарага берилган. 1874 йилда Кўқондаги 575 савдо дўйонидан хон хазинасига 2131 тилло даромад тушган [13].

Кўқон хонлиги бозорларида энг йирик савдо очиқ бозор майдонларида амалга оширилган бўлса, карвонсаройларда нисбатан қиммат моллар, чет эл моллари ва ултуржи моллар савдоси амалга оширилган. Кўқон бозорлари савдогар ва ҳаридорлар билан гавжум бўлиб, биргина майда савдо-сотиқ ишлари билан асосий бозорда 600 нафар атрофида савдогар шуғулланган [12: 200].

Хонлик иқтисодий ҳаёти анча мўтадил кўрсаткичга эришган XIX аср ўрталарида эса, Кўқонда бозор ҳафтада уч кун – чоршанба, пайшанба ва якшанба кунлари эрталабдан кечгача давом этган. Чоршанба асосий бозор куни ҳисобланниб, шу куни хонликнинг турли шаҳарлари ва кўшини худудлардан савдогарлар келган.

Маҳаллий аҳоли Кўқон бозорларига хунармандлик ва деҳқончилик маҳсулотларини олиб чиқсан. Шунингдек, хонликнинг турли худудларида тайёрланган ва етиширилган маҳсулотларнинг сараси Кўқон бозорларида сотилган. Кўқон бозори Фарғона водийсига қўшини худудлардан кириб келаётган молларни тарқатувчи асосий марказ бўлиб, унинг бозорларида хонликнинг турли худудларидан келган савдогарларни кўриш мумкин эди.

Кўқон хонлигининг энг йирик ва бой бозорларидан бири Тошкентда жойлашган ва у маҳаллий хунармандлик, деҳқончилик, боғдорчилик маҳсулотлари билан бирга Россия ва қозоқ даштларидан келтирилган моллари билан ҳам машҳур бўлган.

XVIII-XIX асрларда Тошкентдаги Себзор, Кўкча, Бешёғоч, Шайхонтоҳур даҳаларининг ўз бозорлари бўлиб, энг йирик бозор шаҳар марказида, тўрт даҳа кўчалари кесишган ерда жойлашган ва Жўба (ёки Жўва) бозори (хозирги Чорсу) деб аталган. Тарихчи Муҳаммад Солиҳ таърифига кўра, “Бозорнинг дўйон-расталари Чорсуга қандолатпазлик дўйонигача давом этади. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам бозор бўлиб, халқ савдо-сотиқ, ҳар хил үйин-кулги килган” [14: 40].

Жўба бозорида XIX аср бошларида асосий расталар ва карвонсаройлардаги дўйонлар қўшиб ҳисобланганда 3000 дан ортиқ дўйон мавжуд бўлган. XIX асрнинг 60-йилларида бозорнинг бўйи 400 саржин (1 саржин 2,13 метрга тенг) эни 100 саржин бўлиб, унда 16 карвонсарой, 2400 дўйон жойлашган. Шаҳар бўйича дўйонлар сони 4548 тага етган [15: 39]. Уларнинг йиллик ижараси 2-4 тилло бўлган [15].

Тошкент марказий бозори маҳсулот турига қараб расталарга бўлинган. XIX асрнинг 60-йилларида қирққа яқин раста [15: 40-42] бўлган.

Тошкентда Кўқондаги каби ҳафтада уч марта – чоршанба, пайшанба ва якшанба кунлари бозор бўлган. Якшанба куни катта бозор бўлиб, саррофлик дўйонлари ҳам фаолият юритган [16].

Тошкент бозори – Хўжанд, Бухоро, Кўқон, Марғилон ипак матоларининг ўзаро рақобат қиласидаги маркази ҳисобланган. XIX асрнинг ўрталарида Фарғона водийсидан Кўқон орқали Тошкентга ҳар йили 10-15 минг туда пахта, қофоз, хом ипак ва ипак матолар, куритилган мева келтирилган. Намангандан Тошкентга эса 500 туда куритилган мева, 1000 туда ипак ва ипак матолар, рўён бўёғи ва бошқалар олиб борилган [17:

48-49].

XIX асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсига Тошкентдан ҳар йили 10 мингдан ортиқ туда ғалла, темир, пўлат, чўян, мис ва улардан ясалган буюмлар, шакар, чарм, мўйна ва бошқа рус саноат моллари, қозоқ даштларидан чорва олиб келинган. XIX асрнинг ўрталарида водийдан Тошкентга 4 миллион 580 минг рубллик мол олиб келинган бўлса, Тошкентдан 2 миллион 375 минг рубллик мол олиб кетилган. Бу даврда Тошкент ва Кўқоннинг йиллик савдо айланмаси 7 миллион рублга тенг бўлган [18: 48].

XIX аср бошларида Намангандан ҳам ўзининг бозорлари билан машҳур бўлиб, у хунармандлик ва боғдорчилик маҳсулотлари савдоси ҳамда тоғли қирғизлар билан олиб борилган савдода муҳим аҳамиятга эга бўлган. XIX асрнинг 60-йилларида шаҳарда Худоёрхон 500 дўйондан иборат йирик бозор курдирган. Ҳар бир дўйон йилига 5 тиллодан 10 тиллогача даромад келтирган [19]. А.Л.Кун 1875 йилда Намангандан 1000 дан ортиқ савдо дўйони бўлганини ёзиб қолдирган [20: 64].

Наманганданнинг асосий бозори хонликнинг йирик шаҳарларида бўлгани сингари маҳсулот турларига қараб, расталар ва кичик бозорларга бўлинган. Шаҳар бозорида майда савдо ҳар куни олиб борилган бўлса, йирик бозор Кўқон ва Тошкент бозорларидағи каби ҳафтада бир неча кун – шанба ва якшанба кунлари саҳардан то кечгача, йил бўйи давом этган [21: 43-47].

Марғилон ташки савдода муҳим ўринга эга бўлган ўзининг ипак ва ярим ипак матолари билан савдо қилинадиган бозори билан хонликнинг бошқа бозорларидан ажralиб турган. Кўқон хонлари буни инобатга олган ҳолда, Марғилон бозорига катта этибор берган, уни кенгайтирган ва янги раста, дўйон ва карвонсаройлар курдирган. Худоёрхоннинг сўнгги ҳукмронлик даврида (1865-1875) Марғилонда 2246 дўйон бўлган ва уларнинг 489 таси хукмрон суполага қарашли, 686 таси вақф мулки, 1071 таси хусусий ҳисобланган. Бу дўйонларнинг 214 тасида гўшт, 401 тасида мева-сабзовот, қуруқ мева, 109 тасида пойабзал, 46 тасида ипак мато, 3 тасида ип-газлама, 81 тасида чопон, 86 тасида мануфактура моллари, 140 тасида атторлик маҳсулотлари, 4 тасида кумуш буюмлар сотилган [22: 332-334]. Марғилон бозорида майда савдо ҳар куни, пайшанба ва якшанба кунлари асосий катта бозор фаолият кўрсатган [23: 137].

Хонликда ўзининг бозорлари билан машҳур бўлган марказлардан бири Андижон эди. Унга рус шарқшуноси П.И.Небольсин бундай таъриф берган: “Андижон хонликнинг йирик шаҳарларидан, у ерда савдо ривожланган, бозорларида Бухоро, Хўжанд, Кўқондан келган савдогарларни кўриш мумкин” [24: 299]. Шаҳар марказида жойлашган бозорда (XIX асрнинг 70-йилларида) 1000 дан ортиқ дўйон мавжуд бўлган [25: 64]. Бозор маҳсулот турларига қараб, алоҳида расталар ва кичик бозорларга бўлинган. Шаҳар шимолида от бозори, жанубида қўй бозори, марказида пойабзал бозори, атторлик, бўйра, ширмопазлик расталари фаолият юритган.

Андижонда душанба ва якшанба кунлари бозор бўлган ва хонликнинг турли худудларидан, шунингдек, қўшини мамлакатлардан савдо карвонлари келган. Ҳафтанинг бошқа кунлари бозорда майда савдо-сотиқ ишлари олиб борилган.

Кўқон хонлигининг чегара худудида жойлашган ва йирик савдо шаҳарларидан бири Ўш хонликнинг Қашқар ва қирғизлар билан савдо алоқаларида муҳим аҳамият касб этган ва унинг бозорларида маҳаллий ҳамда турли худудлардан келган савдогарларни кўплаб учратиш мумкин бўлган. 1812 йилда Ўшда бўлган ҳинд савдогари Мир Иззат Улланинг ёзича, Ўш Кўқон – Қашқар йўлидаги йирик шаҳар бўлган, бу ерда турли мамлакатлардан келтирилган моллар айирбошланган, сешанба куни катта бозор бўлган [26: 48-49].

XIX аср ўрталарида шаҳар марказида 1000 га яқин савдо дўйони мавжуд катта бозор бўлган. Ўш бозори марказидан ўтган Оқ Бура дарёси қирғоғида усти ёпик бозор – Тим мавжуд бўлган. Дарё қирғоқларини 900 метрли осма кўприк бирлашириб турган ва иккى соҳилда бозор расталари жойлашган [27: 119-120]. Ўшдаги қўй бозори Кўқон хонлигидаги машҳур чорва бозорларидан бўлган [28: 83].

Кўқон хонлигининг йирик шаҳарларидан бири Хўжандда пайшанба ва чоршанба кунлари бўладиган бозорларнинг 14 та майдони бўлган. Уларда майда савдо амалга оширилган. Пайшанба бозори шаҳар шарқида, чоршанба бозори эса

жануби-шарқида жойлашган. Пайшанба бозорида 510, чоршанба кунгида 280 дўкон бўлган. Хўжандда ҳафтада уч кун – чоршанба, пайшанба ва жума бозор кунлари ҳисобланган [29: 98]. Шаҳар марказида тўрт кўча кесишган чорраҳанинг яқинида усти ёпик бозор – Тим мавжуд бўлган ва у Хўжанд бозорининг маркази ҳисобланган [30: 61-66].

Кўқон хонлигининг Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Сайрам шаҳарлари ҳам ўз бозорлари билан машхур ҳисобланган. Бу шаҳарлар Ўрта Осиё – Россия карвон йўлларида жойлашган бўлиб, рус моллари ва қозоқ, чорваси ҳамда чорвачилик маҳсулотлари билан таникли эди. Рус шарқшуноси В.В.Вельяминов-Зернов XIX аср ўрталарида Туркистонда катта бозор ва З карvonсарой бўлган [31: 45], деб маълумот берган.

Россия истилоси арафасида Чимкентнинг ғарбидаги катта бозорда 220 дўкон бўлган. Бундай дўконлар карвонсаройларда ҳам бор эди. Ҳар бирининг йиллик савдо айланмаси 1000-5000 рубль, бозорники эса 250-300 минг рубль бўлган [17: 35].

Ўрта Осиё хонликларига хос равишда Кўқон хонлиги бозорларида ўғирлик ҳолатлари жуда кам рўй берган ва бундай жиноятга қаттиқ жазо кўплланган. Ҳусусан, 1814 йили хонлика бўлган Филипп Назаровнинг ёзишича, қўй ўғирлаган кишининг бармоқлари кесилган ва қайнаб турган челакка тикилган, кейин эшакка тескари ўтқизилиб, бозор айлантирилган. Тарозидан урган киши эса яланғоч холда бозорда қамчилаб юрилган [32: 60]. Бу каби кескин чора-тадбирлар бозорларда харидор ва сотувчиларнинг эркин ҳаракат қилишига имконият яратган.

Кўқон хонлари XVIII асрнинг 70-йилларига қадар мамлакатнинг сиёсий мустақиллигини саклаб қолиши ва ички урушларнинг олдини олиш билан машғул бўлган. Шу боисички савдо муносабатларидаги олди-сотди жараёни қўшни

хонликлар пуллари, асосан Бухоро тангалари ва мол айрбашлаш орқали амалга оширилган. Норбўтабий Кўқон тахтига ўтирганидан сўнг пул ислохотини амалга оширган. Маълумотларга кўра, Норбўтабий мис (фулс) чақалар зарб эттирган ва улар ҳалқ орасида “қора пул” деб аталган. Тарихчи Ниёз Муҳаммад Ҳўқандий маълумотига кўра, Норбўтабийнинг 1 қора фулс тангасига кўй берилган [33: 67].

Норбўтабийдан сўнг хонлик тахтига чиқкан ҳар бир хон ўз номидан янги пул зарб эттирган ва эскисини йиғиштириб олган. Кўқон хонлари кўпроқ чақа пул, баъзилари олтин танга зарб эттирган. Ҳусусан, Норбўтабий мис чақа, Олимхон мис чақа ва кумуш танга, Умархон дастлаб мис ва кумуш танга ҳамда ҳукмронлигининг сўнгги йилларida яна пул ислоҳоти ўтказиб, хонлик тарихида илк бора олтин тангаларни муомалага кирилган. Муҳаммадалихон ўз ҳукмронлиги давомида икки марта пул ислоҳоти ўтказиб, мис, кумуш ва олтин тангалар зарб эттирган. Шунингдек, Шералихон, Худоёрхон, Маллахон ҳам мис, кумуш ва олтин тангалар зарб эттирган. Ҳатто бир неча ой ҳукмронлик қилган Шоҳмурод олтин ва кумуш, Сайид Султон олтин, кумуш ва мис, Пўлатхон ва Насриддинбек эса кумуш тангалар зарб эттирган.

Кўқон хонлигига қалбаки пул ишлаб чиқаришга қарши жиддий чоралар ўқирилган. Архив маълумотларига кўра, хонлик фуқароси Ҳосилбек Холназаров қалбаки тангалар ишлаб чиқаргани аниқланганча, таъқиб остига олинган. У хонликдан қочишига муваффақ бўлган. Уни кўлга олиш учун кўшни хонликларга хон номидан маҳсус мурожаатномалар юборилган. Кўқон хонлигига танга-пул ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш билан меҳтар шуғулланган [34].

Шунингдек, Кўқон тангалари билан бир қаторда Ўрта Осиё бозорларида Бухоро, Хива, Россия ва Қашқар пуллари ҳам муомалада бўлган. Бу эса ўз навбатида мамлакатда ўзига хос пул-товар тизими шаклланишига олиб келган.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Хорошхин А. П. Сборник касающихся Туркестанского края. – СПб., 1876.
2. Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Ҳуллас ут-таворих. Кўқон шаҳар F.Фулом номидаги вилоят адабиёт музейи. ҚП. 4101. 7 а-варақ.
3. Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. –Т.: Янги аср авлоди, 2008.
4. Мулла Ниёз Муҳаммад Ҳўқандий. Тарихи Шоҳрухи. – Казань, 1885.
5. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. – Т.: Маннавият, 1999.
6. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – М.: 1968.
7. Потанин Н.И. Записки о Kokандском ханстве хорунжего Потанина (1830) // ИРГО. Том V. Часть XVIII. – СПб., 1856.
8. Обозрение Kokандского ханства в нынешнем его состоянии // Записки Императорского Русского Географического общества. – СПб., 1849. Кн. III.
9. Кун А.Л. Очерк Kokандского ханства // Известия РГО. Том XII. – СПб., 1875.
10. ЎзР МДА, И. 276-фонд, 1-рўйхат, 123-иш, 25 – 26-варап.
11. Пантусов Н. Сборы пошлины в бывшем Kokандскому ханству // Туркестанские ведомости. 1876. № 17.
12. Набиев Р.Н. Из истории Kokандского ханства. – Т.: 1973.
13. Пантусов Н. Податные сборы в г. Kokанде // Туркестанские ведомости. 1876. №13.
14. Ўринбоеев А. Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавғифида. – Т.: 1983.
15. Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи. – СПб., Тип. Майкова, 1867.
16. ЎзР МДА, И. 1-фонд, 16-рўйхат, 876-иш, 8-вараЕинг орқаси.
17. Тетеревников А.Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи. – СПб., 1867.
18. Махкамов А.А. Роль города Kokanda в развитии экономических связей Средней Азии с Россией сопредельными странами в XIX начале XX веков. Дисс...канд... ист.. наук. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 1988.
19. ЎзР МДА, И. 1-фонд, 34-рўйхат, 122-иш, 9 - 9-вараЕинг орқаси.
20. Кун А.Л. Очерк Kokандского ханства. – СПб., 1876.
21. Вельяминов-Зернов В.В. Торговое значение Kokандского ханства для russkikh. ИРГО. – СПб, 1854.
22. Сайд Магомед Ҳудояр-хан Kokандский // Туркестанский сборник. Том 89.
23. Туркестанский сборник. Том 26.
24. Небольсин П.И. Очерки торговли России с Средней Азией / Зап РГО. Кн. 10. – СПб, 1855.
25. Кун А.Л. Очерк Kokандского ханства // Известия РГО. Том XII. – СПб., 1876.
26. Путешествие Мир Иззат Уллы в Kokандское ханство в 1812 году. Пер. и примеч. Соколова Ю.А // Труды САГУ. История Средней Азии и Узбекистана. Новая серия. Вып. LVXXXVIII. Кн. II. 1956.
27. Галицкий В., Плоских В. Старинный Ош. – Фрунзе., 1987.
28. Сапаралиев.Д. Этнополитическая история Оша и его окрестностей с XVIII до XIX в. – Бишкек, 1999.
29. Мирбабаев А.К. Историческое наследия Ҳуджанда. – Душанбе, 1995.
30. Турсунов Н.О. Сложение и пути развития городского и сельского населения северного Таджикистана XIX начала XX вв. – Душанбе., 1976.
31. Вельяминов-Зернов В.В. Торговое значение Kokандского ханства для russkikh. ИРГО. – СПб., 1854.
32. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – СПб., 1821.
33. Бейсембиев Т.К. Как источник “Тарихи Шаҳрухи”. – Алма-Ата, 1985.
34. ЎзР МДА, И. 1-фонд, 34-рўйхат, 144-иш, 5 - 5-вараЕинг орқаси.

♦ **Аннотация:** Мақолада XVIII аср бошларида ташкил топган Кўқон хонлигига давлат бошқаруви, унинг ички ва ташки сиёсати, аҳоли ҳаётси, савдо-сомиқ ва иқтисодиёт ривожи ҳақида маълумот берилган. **Таянч сўзлар:** Кўқон хонлиги, хунармандлик, инакчилик, пипла, “чилла”, калава, инак ва ярим инак матолар, савдо-сомиқ, савдогар.

♦ **Annotation:** The article provides information on public administration, domestic and foreign policy, life of the population, trade and economic development of the Kokand Khanate, which was formed at the beginning of the 18th century. **Key words:** Kokand Khanate, crafts, silkworm breeding, cocoon, "chilla", kalava, silk and semi-silk fabrics, trade, merchant.

♦ **Аннотация:** В статье представлена информация о государственном управлении, внутренней и внешней политике, жизни населения, торговьо-экономическом развитии Кокандского ханства, которое сформировалось в начале XVIII века. **Ключевые слова:** Кокандское ханство, ремесла, шелководство, кокон, «чилла», калава, шелковые и полушелковые ткани, торговля, купец.

## МАМЛАКАТИМИЗДА ДАСТЛАБКИ МАДРАСАЛАР ВУЖУДГА КЕЛИШИННИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

МАҲМУД НАСРУЛЛАЕВ

Самарқанд давлат

университети

Ўзбекистон тарихи

кафедраси доценти

**М**амлакатимиз азалдан таълим тизими жуда тараққий топган худуд сифатида шухрат қозонган. Инсоният тарихидаги милк уйғониш даври тамал тошини кўйган буюк энциклопедик олимларни айнан бизнинг Турон заминимиз етишириб берганлигини бутун дунё тан олади. Бундай даҳо олимлар тарбияланишини тараққий топган таълим тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Туркистоннинг мактаб ва мадрасалари IX-X асрларда дунёнинг энг илғор таълим масканлари сифатида шухрат қозонишига улугурган эди. Ривожланган илғор таълим тизимининг Ватанимиз худудларида шаклланганилиги бежиз эмас. Чунки, унинг замирида энг қадимги даврларда ёки вужудга келган таълим-тарбия анъаналари ётар эди.

Юртимизда таълим тизимининг шаклланиш жараёни оромий ёзувининг кириб келиши ва унинг базасида сўғд ёзувининг шаклланиши билан боғлиқ тарзда кечди. Бу тизимда ўкув, таълим-тарбия ишлари қандай ташкил қилинганилиги ҳақидаги маълумотлар жуда оз. Етиб келган маълумотларнинг энг ишончлиси “Авесто” китоби ҳисобланади.

Китобда ўша даврдаги маданий-маърифий ҳаётнинг барча соҳалари, жумладан, таълим-тарбияга оид қимматли маълумотлар мавжуд. Мазкур ёдгорликдаги айрим қайд ва иборалар, ном ва атамаларга кўра зардўштийликнинг илк куртаклари пайдо бўла бошлаган даврда ёки Туркистон ва Хуросон халқлари яшаган минтақаларда таълим-тарбия хийла ривожланган. Ўша давр таълим жараёнида кундалик ҳаёт учун зарур барча билимлар ўқитилган, хунарлар ўргатилган. Айниқса, ҳарбий таълимга алоҳида эътибор берилган. Зоро, “Авесто”да 50 дан зиёд ҳарбий қуролнинг номлари тилга олинган.

Зардўштийлик қабул қилингач, ибодатхона – оташкадалар ҳузурида подшолик тасарруфидаги маҳсус мактаблар очилган. Уларнинг таълим тизими ишлаб чиқилган. Болалар 4 ёшгача ота-она қўлида, 5 ёшдан 8 ёшга қадар хусусий муаллимлар назорати ва тарбиясида бўлган. Қизлар 15 ёшгача, ўғил болалар 17 ёшгача жамоат ихтиёридаги мактабларда таълим олишган. Уларга маъқул (диний) ва манқул (дунёни) билимлар мутаносиб тарзда ўқитилган: улар оташкада тасарруфидаги дармонгоҳ (поликлиника), сиҳатгоҳ (касалхона) лардан ўтишган, ўқиши бевосита ишлаб чиқариш, ижтимоий фойдали меҳнат билан қўшиб олиб борилган. Масалан, ўқувчи ва талabalар “қилини қирқ ёрадиган” устозлар раҳбарлигига доривор ўсимликлар йиғишига жалб этилган, ибодатхона ихтиёридаги ерларда тури юмушлар билан узлуксиз банд бўлишган, бадантарбия билан узлуксиз шуғулланишган. Таълим жараёнига аста-секин математика, астрономия, тиббиёт, тарих, ҳукукшунослик, гигиена сингари фанлар кўпроқ кириб борган. Ёшларнинг маънавий камолотини кўзлаб уларга зардўштийлик дини асослари, Ахурамазданинг фарзларию Зардўшт ўйтлари пухта ўқитилиб, диний дуолар маҳсус ёдлаттирилган. Иккинчи томондан уч яхши ишда сусткашлик қиласмаслик: андишаи нек (яхши хулқ), гуфтори нек (яхши сўз), кирдори нек (яхши амал)ни ҳамиша эсда тутиш ҳамда уч ёмон ишдан – андишаи бад (ёмон хулқ), гуфтори бад (ёмон сўз) ва кирдори бад (ёмон амал)дан юз ўғиришга одатлантирилган. Ҳар бир зардўштийни пок ниyat, ҳалол қилиб вояга етказиш талабларидан келиб чиқиб, “Авесто”да тарбиячилар ва муаллимларнинг бурчлари белгиланган.

Устоз ҳақида гап кетганда, “Авесто”да уларни “шахар қишлоқларда, бутун мамлакатда маънавиятдан таълим берадиган, ўша йўлини тутганлари туфайли, хонадонларга янги анжомларни олиб кирадиган, ҳалқ ардоғига соҳиб бўлган то-

ифалар сифатида олқишлиймиз”, дейилади [1].

Қадимги даврдаги таълим тизими ҳақида бошқа манбаларда ҳам маълумотлар бор. Археологик қазишмалар жараёнида топилган осори-атиқаларда битилган ёзувларни ўрганиш шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёда дастлаб сўғд, хоразм ёзувлари кенг тарқалган бўлса, милоднинг I-минг йиллиги давомида буддистлар тарқатган хиндларнинг брахма ва карошли ёзувлари, кушон-бақтрия алфавити [2: 146], манихейлар томонидан олиб келинган сурёни, христианларнинг эстрангело, кушон-эфталит, туркийларнинг миххат ёзувлари ҳам ишлатила бошлиди. Саводхонлик даражаси жуда паст бўлган, ёзув асосан руҳонийлар, зодагонлар, давлат аппарати ҳодимлари орасида тарқалган Эрондан фарқли равища, Ўрта Осиёда аҳоли саводхонлиги анча юқори бўлган. Ўрта Осиёда, юқорида айтилганидек, турли ёзувлар тарқалган бўлсада, ўша даврдаги ёзувнинг асосини сўғд ва хоразм ёзувлари ташкил қилган [2: 176]. Тури ёзувларнинг мамлакат доирасида кенг тарқалиши, бир томондан, ҳалқаро маданий, сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг ниҳоятда кенгайишининг натижаси бўлса, иккинчи томондан, таълим тизимининг жуда тараққий топганилигидан далолат беради.

Хитой императори Ян-ди (605-617 йй) томонидан VII асрнинг бошларида Самарқандга юборилган элчи Вей Цзенинг ёзишича, Кан (Самарқанд) подшолигининг одамлари ниҳоятда моҳир савдогар ҳисобланышган. Подшоҳликдаги ҳар бир ўғил бола беш ёшга тўлганда ўқиши ва ёзишига, китбларда баён қилинган фикрларни ўзлаштириб олишга ўргатилган. Улар 20 ёшга киргач бошқа мамлакатларга савдо-тикорат ишлари билан жўнатила бошланган. Элчи фикрича, Кан мамлакати фуқаролари учун савдогарлик энг шарафли касб ҳисобланган [2: 176-279]. Демак, сўғдийларнинг ўша даврларда Тинч океани қирғокларидан Ўртаер денгизигача бўлган худудларда савдони ўз назоратлари остига олишлари бежиз эмас экан. Унинг замирида бу касб эгаларининг ва умумий сўғдийларнинг саводхонлик даражаси юқори бўлганлиги ётиши хеч қандай шубҳа туғдирмайди. Дарғомдай йирик сув иншоотларининг курилиши, Афросиёб, Варахша каби маҳобатли, кўркам биноларга эга бўлган шаҳарларнинг бунёд этилиши, мамлакатимиз худудларида обсерваториялар барпо этилиб, қўёш ва ой ҳаракатларининг ўрганилиши, фасллар алмашиниши сабаблари аниқланиши аждодларимизнинг ўз даври учун юксак билим ва кўникмалар соҳиби эканликларидан далолат беради. Бундай ютуқларга ҳам кенг қамровли ва ривожланган таълим тизимини шакллантириш орқалигина эришиш мумкин эди.

Лекин, афсуски, VII-VIII асрлар давомида амалга оширилган араб истилоси натижасида қадимги маданиятимиз ва таълим тизимимизга қақшатқич зарба берилди. Ибодатхоналардаги осори-атиқалар яксон қилинди, нодир китоблар